ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ДАРСДАН ТАШҚАРИ ЎРГАТИШ

НамДУ, ўқитувчи **Нурматова Н.**
Талаба **Алишерова М.**

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги кунда хорижий тилларни дарсдан ташқари ўқитишда педагогик технологияларнинг аҳамияти ва қўлланилиши ҳақида фикр юритилади. Таълим жараёнида интерфаол усуллар ва уни амалга оширишда ўқитувчида мавжуд бўлиши керак бўлган компетенция ҳақида тавсиялар берилади.

Калит сўзлар: Хорижий тил, ўқитувчи, ўрганиш, мустақил, сўз, матн, сўз ибора, чет тили.

Мустақил юртимиз кишиларининг ҳаётида чет тилларининг ахамияти ниҳоят даражада ортиб бораётган бир даврда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таъкидланганидек, хорижий тилни амалиёт учун етарли даражада ўқитиш талаби долзарб масала бўлиб қолмоқда. Мустақиллигимизнинг шарофати билан юртимизда хорижий тилларни ўргатишга бўлган эътибор кучайди. Айниқса инглиз тили мутахассис кадрларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда, шу билан бирга бу тилни ўргатиш ва ўрганиш юзасидан муаммолар ва қийинчиликларни бартараф этиш усулларини ишлаб чиқиш биз профессор-ўқитувчиларнинг вазифаси деб биламиз.Ҳар бир ўқитувчи хусусан чет тили ўқитувчиси учун хозирги кунда қўйиладиган замонавий талабларни ўрганиш энг долзарб муаммолардан хисобланади. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни кундан кунга юксалаётганлиги учун ҳам чет тилларини ўрганишга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Маълумотларга кўра ўртача ҳар беш-етти йил ичида техникавий билимлар янгиланиб боради. Чет тили ўқитувчиларининг замонавий тайёргарлиги нафақат давр талаби, шунингдек фан-техника билан ҳамоханг бўладиган истиқболдаги таълимга ҳам мос келиши лозим. Инглиз тилини ўрганаётган олий ўқув юртларининг I ва II курс талабалари учун қуйидаги услубий кўрсатмаларни бермоқчимиз.

Ҳафтада бир ёки икки маротаба ўтказиладиган амалий машғулот талаба учун етарли бўлмаслиги мумкин. Шу мақсадда кўпроқ мустақил тайёрланишга эътиборни кучайтиришимиз зарур. Талабалар дарслардан сўнг мустақил иш юзасидан ўқитувчи ёки ўргатувчисидан махсус дастур асосида топшириқлар олиши ва кутубхона ёки ўқитувчи назорати остида тил малакаларини ошириш мумкин. Шундай қилиняпти ҳам.

Машғулот давомида талаба кичик матнлар, кейин сўз ва сўз ибораларни таржима қилишдан бошлайди. Бу кичик матнлар техникага оид, сиёсий ёки (газета) рўзнома материаллари ва радио-телевидениядан ҳам олинган бўлиши мумкин. Талабалар сўз бойликларини оширган холда секин-аста матнлар хажмини кенгайтириб борадилар. Лексик материални ўрганиш мақола ёки матнни таржима қилиш, тушуниш ва мазмунан мутолаа қила олиш даражасига олиб чиқади. Бу борада техника воситаларининг ҳам аҳамияти катта. Мисол сифатида қуйидаги матнни кўриб чиқишимиз мумкин:

In recent years this country has developed new automated coal-mining machines, installations for the continuous casting of steel, metal casting-and-rolling machines, equipment for electroslag remelting and recasting of metal, machine tools for electrophysical and electrochemical treatment of metals,

The second line in scientific and technical progress is the greater reliability and service life of machines.

New words

coal-mining machine - кончилик машинаси

installation - жойлаштириш

casting - қуйилган метал бўлаги
steel - пўлат
slag - тошқол(кўмир ёққанда хосил бўлган чиқинди)
remelting - қайта эритиш
recasting - қайта қуйиш
machine tools - машина ускуналари
Word combination
reliability and service life of machines- машиналарнинг мустахкамлиги ва ишлаш муддати

Чет тилларини тез ва сифатли ўрганиш тил ўрганувчилар ва ўргатувчилар учун компьютер технологиясини тақозо этмоқда.

Хозирги кунда кўплаб ишлаб чиқарилаётган махсус тил ўргатувчи дастурлар ўзининг қулайлиги, яъни ўз ичида луғат, грамматика, амалий машқлар ва кўплаб адабиётлардан олинган энг асосий ва энг керакли масалаларни мужассамлайди.

“IELTS”, “TOEFL”, “Bridge to English”, “ English for kids”, “Longman “, “Business English” каби бугунги куннинг машҳур тил ўргатувчи дастурлари ўқитувчи ва талабалар учун дарс ўтишнинг янги кўринишдаги методларни таклиф қилади. Ушбу дастурлар талабаларнинг ўқиш, ёзиш, эшитиш, гапириш ва янги маълумотларни хотирада тез сақлай билиш қобилиятларини ўстиришда дуч келадиган муаммоларга ечим сифатида ишлаб чиқилган. Масалан: “English for Kids” (Болалар учун инглиз тили) дастури ўзининг ранг – баранг расмлари, ёзувлари, видео клиплари ва сўзларининг чиройли талаффуз қилинганлиги билан кичик ёшдаги болаларнинг эътиборини тез жалб қила олади ва дастурдаги махсус киритилган ўйинлар боланинг тилни ўрганишга бўлган қизиқишини, харакатчанлигини, уқувчанлигини ва хотирасини мустаҳкамланишига, олган билимини қўллай билиш қобилиятини ўсишига олиб келади.

“IELTS” дастури хам хозирги кундаги тил ўрганувчилар орасида энг оммабоп дастур ҳисобланиб, тил ўрганувчи учун расмли ва видео клипли луғатлар, мукаммал ва тушунарли грамматика, луғат ва грамматикага оид қизиқарли ўйин шаклида берилган машқлар, диктант ва сўз ўйинлари каби имкониятлари мавжуддир. Ушбу имкониятлар талабаларга хорижий тилни тўғри ўқиш ва ёзиш, тўғри тушуниш ва эшитиш, керакли жойда керакли сўзларни хам луғавий хам грамматик хатосиз айтишга ёрдам беради.

Компьютер технологияси асосида тил ўрганишда талабалар ва ўқитувчилар янгича кўринишда ўтилаётган дарс муҳитига мослашишлари, компьютер саводхонлигига эга бўлишлари талаб қилинади. Улар дастурдан фақатгина маълумотлар олиш билан чегараланиб қолмай, ўрганилаётган масала ёки маммони мустақил равишда, ўқитувчи билан биргаликда ёки ён атрофдаги талабалар билан муҳокама қилишлари, ечимларни топишлари ва ана шу масала ёки маълумотни амалиётда қўллай олишни ўрганишга кўмак беради. Дарс давомида талабалар қисқа муддат ичида лойиҳаларни тақдим эта олишлари ва уларни намойиш қилишлари керак бўлади.

Ўқитувчилардан янада харакатчан, эътиборли, билимли ва мукаммал компьютер саводхонлигига эга бўлишини талаб қилинади. Дарс ўтиш услуби компьютер технологиясига асосланган бўлсада тил ўрганишда ўкитувчининг роли жуда мухим. Ўқитувчилар билим бериш билан бир қаторда талабалар қилишлари керак бўлган тадбирларда қатнашиши, уларга тил ўрганишдаги грамматик лугат сўзлашиши ва бошқа қийинчиликларни бирга ҳал этишда ёрдам беришлари керак бўлади.

Бугунги кунда замонамизнинг хар бир сохасида компьютер технологияси ва хорижий тилларни ўрганиш катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, етук кадрларни тайёрлашда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш орқали юқори самарага эришиш мумкинлигини кўрсатмокда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Тошкент, 2003
2. Умархўжаев М.И “Олмон тили лексикологияси ва фразеологияси”. Андижон 2010.
3. Абдулазизов А. “Тилшунослик назариясига кириш” тошкент, “Шарқ” 2010.
4. Миртожиев М. “Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографикаси”, Тошкент, 2000.

WORDLY KNOWLEDGE